



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ISTIQBOLLI LOYIHALAR MILLIY AGENTLIGINING

QARORI

№ 02/18-2-2/R-34

“23” сентябрь 2024 йил

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Истикболли лойиҳалар миллий агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) “SHARG’UNKO’MIR” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият) кузатув кенгашининг 2024 йил 23 августдаги баённомасига ҳамда Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларининг (рўйхат рақами: 2000, 30.08.2009 й.) 92-бандига асосан

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Жамиятнинг жойлаштирилмаган акцияларини бекор қилиниши муносабати билан Жамиятнинг 2024 йил 3 апрелда J0223-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган акциялар чиқарилишига ўзгартиришлар киритиш учун Жамият томонидан Агентликка қуйидаги хужжатлар тақдим этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

- аввал рўйхатдан ўтказилган акциялар чиқарилувиغا ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги 2024 йил 23 августдаги 01-1022-сон ариза;
- Жамият кузатув кенгашининг 2024 йил 23 августдаги 10-сон баённомаси нусхаси;
- аввал рўйхатдан ўтказилган акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарорига киритилаётган ўзгартиришлар матни (3 нусха);
- тақдим этилган хужжатлар рўйхати.

2. Жойлаштирилмаган акцияларини бекор қилиниши муносабати билан Жамиятнинг 2024 йил 3 апрелда J0223-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтган акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарорига киритилаётган ўзгартиришлар матни давлат рўйхатидан ўтказилсин.

Муқаддам 2024 йил 3 апрелда J0223-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган акциялар қўшимча чиқарилишига асосан чиқарилган номинал қиймати 1 000 сўм бўлган 10 000 000 000 сўмлик 10 000 000 дона оддий акциялардан 2 040 177 000 сўмлик 2 040 177 дона оддий акциялар бекор қилинсин ва жами 7 959 823 000 сўмлик 7 959 823 дона оддий акциялар муомалада қолдирилсин.


3. Агентликнинг Капитал бозорини ривожлантириш департаменти Капитал бозорини тартибга солиш бошқармаси Қимматли қоғозлар чиқарилишини рўйхатга олиш бўлимига (С. Муротов):

– Агентлик томонидан Жамиятнинг аввал рўйхатга олинган акциялар чиқарилишига ўзгартиришлар киритилганлиги муносабати билан Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларининг ягона давлат реестрига тегишли ёзувлар киритиш;

– ушбу қарорнинг бир нусхасини Жамиятга, бир нусхасини Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига маълумотлар базасига тегишли ўзгартириш киритиш учун тақдим этиш топширилсин.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Капитал бозорини ривожлантириш департаменти Капитал бозорини тартибга солиш бошқармаси Қимматли қоғозлар чиқарилишини рўйхатдан ўтказиш бўлимига юклатилсин.

Директорнинг биринчи
ўринбосари



В. Пак